

ҚОРАҚАЛПОҚ ШЕЪРИЯТИ ЖАНРЛАРИНИНГ 2002-2012 ЙИЛЛАРДАГИ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАВСИФИ

Тлеуниязова Г.Б.

ЎзРФАҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти, Нукус шаҳри

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.15710454>

2002-2012 йиллардаги қорақалпоқ шеърятининг изланиш ва янгилиниш сифатига эга бўлган босқичида шоирлар томонидан бевосита асарнинг ўзагини излаш, шеърлардаги субъективлик ортди. Лирик-фалсафий йўналиш кенгайди. Модернистик тафаккур хусусияти кучайди. Метафорик, рамзий, кинояли тил кенг қўлланилди. Бу даврдаги поэзия жанрларидаги янгилинишлар жанрнинг мазмунида ва шаклида, ижодкор услубида ўзгаришлар билан кўзга ташланди. Икки қаторли, уч қаторли, тўрт қаторли шеърлар (мураббалар), иккиликлар, хоккулар, тўртликлар, рубойлар, ғазаллар, фардлар, эркин шеърлар, поэмалар ва ҳ.к. жанрлар ички ва ташқи ўзгаришлари билан қўлланилди.

Жанрларнинг ички ўзгаришлари тенденциясига эътибор берсак, 2002-2012 йиллар оралиғидаги қорақалпоқ шеърятининг миллий адабиётнинг ривожланишида муҳим давр сифатида қаралади. Бу вақт оралиғида поэзиянинг мазмун структурасида анъана ва янгилик синтези кузатилади. Бу ўз навбатида адабий жараённинг мураккаб ривожланишини кўрсатади. Анъанавий фольклор намуналарининг замонавий бадиий услублар билан уйғунлашуви миллий шеърятнинг ўзига хослигини сақлаш ва янгилаш вазифасини бажарди. Бу даврдаги асарларда тарихий-маданий контекстнинг аҳамияти ортиб, миллий онг ва ватанпарварлик мавзулари шеърятнинг ғоявий асосини шакллантирди. Қорақалпоқ халқининг тарихий тақдири ва миллий қаҳрамонларининг образлари асарлардаги бош мотивларга айланди (И.Юсупов “Ватан тупроғи”, Б.Генжемуратов “Моде хон сўзи ёки Чин ипағидаги битик”, “Қор-Оқ-Алп-Оқ” ва ҳақозо поэмалар ва шеърлар). Бу тенденция ижтимоий-психологик ва тарихий-маданий хусусиятларни ўз ичига олган миллий поэтик тафаккурнинг шаклланишига таъсир кўрсатди.

Шунингдек, экологик ва ижтимоий муаммоларнинг кучайиб бориши қорақалпоқ шеърятининг мазмунини кенгайтди. Жамиятдаги адолатга, инсонпарварликка, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бўлган эътибор шеърятнинг ижтимоий масъулият вазифасини кучайтирди. Бу борада асарларда умуминсоний ғоялар ва ахлоқий мезонларни янгилаш талқин қилиш орқали замонавий муаммоларни бадиий тилда етказишга интилиш кузатилди. Модернистик ва постмодернистик тенденциялар ҳам қорақалпоқ шеърятининг

шаклий ва мазмуний янгиланишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлди. Б.Генжемуратов ва С.Ибрагимов, П.Мирзабоева ва б. асарларида бу тенденциялар лирик субъект ва поэтик макон орқали ёрқин акс эттирилди. Улар лирик қаҳрамоннинг психологик ҳолатини, экзистенциал безовталигини, ижтимоий ва маданий чегараларни қайта яратиш кераклигини акс эттирди. Бундай поэзияда символизм, ирония, аллюзия каби постмодернизм усуллари кенг қўлланилди ва улар шеър матнининг кўп қатламли маъно (мазмун) га эга бўлишини таъминлади. Шу билан бирга, поэтик тилнинг таркиби ва стилистикаси мураккаблашиб, бадиий тасвирнинг маъно тизими кенгайди. Метафорик тузилмаларнинг, ўзига хосликларнинг, интертекстуал ҳаволаларнинг қўлланилиши поэзиянинг ғоявий-эмоционал таъсирини кучайтирди. Бу жараён қорақалпоқ шеърятини илмий тадқиқ этишга янги истиқболлар очиб, унинг миллий ва жаҳон адабиёти контекстидаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Қорақалпоқ шеърятини – миллий тарихий онгни қайта уйғотиш билан бирга, шеърятнинг шаклий ва мазмуний янгиланишининг ифодаси бўлди. Бу даврда адабиёт ўз анъанасини сақлаган ҳолда, ҳозирги замоннинг мураккаб ижтимоий-маданий муаммоларини чуқур ва мураккаб тарзда кўтариш имкониятига эга бўлди.

2002–2012 йиллар оралиғидаги қорақалпоқ шеърятини жанрларнинг шаклий қурилишида ҳам динамик ўзгариш яққол кўринади. Бу давр жанрли экспериментлар ва шаклий изланишларнинг фаоллиги билан ажралиб турди. Ҳар бир даврга хос бўлган етакчи жанрлар ёки шакллар бўлади. Бу даврда етакчи шеър шакли сифатида тўрт қаторли шаклда фикрни етказиб бериш анъанаси сақланди. Ғазал, рубоий, тўртлик, олтилик, икки, уч, тўрт қаторли шеърлар ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда янада янги жанрий шакллар билан бойиди. Бу жараён адабиётдаги тарихий изчилликни сақлаган ҳолда янги бадиий изланишларга йўл очди.

Ғарб адабиёти ва жаҳон шеърятини насрий шеър шакллари, эркин шеър намуналарининг қўлланилиши шеърятнинг жанр чегарасини кенгайтириб, жанр синкретизмига имконият берди. Эркин шеърнинг, яъни, верлибрнинг тўлиқ жорий этилиши асарлардаги ритм, ритмик эркинликни ўзгартирди.

Шоирлар анъанавий жанрий шаклларга янгича қайта ёндашиш орқали уларнинг ички табиатини бойитишга интилдилар. Масалан, терма ва тўлғов жанрлари халқ эпик ва лирик анъаналарини сақлаган ҳолда, ҳозирги замон ижтимоий ва маънавий муаммоларини чуқур акс эттириш воситасига айланди. Ғазал ва рубоий каби мумтоз жанрлар янги фалсафий ғоялар билан тўлдирилди, бу шеърятнинг ғоявий ва эстетик аҳамиятини кучайтирди. Айниқса, фард жанри бу даврда алоҳида ривожланиш йўлини бошлади. Т.Жийемуратов ижодида

фарднинг шаклий ва мазмуний имкониятлари чуқур очиб берилди. Унинг шеърлятида халқ мақол-маталлари фарднинг бадий асосини ташкил этувчи янги композицион қурилиш ва услубий усуллар орқали қайта ишланди. Бу жанрда мазмун ва шакл ўртасидаги яхлитлик алоҳида даражада таъминланди.

Яна бир эътибор қаратадиган масала – бу даврда шоирларнинг услубий изланишларининг асосий омилларидан бири сифатида фольклор анъаналари жанрларнинг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу давр шоирлари учун фольклор фақат сюжет ва тематик материал манбаи эмас, балки лисоний, бадий ва композицион қурилишнинг асоси сифатида хизмат қилди. Натижада фольклор билан ёзма адабиётнинг синтези стилистик ҳодиса сифатида шаклланди.

Фольклор анъанасининг таъсири аввало тил даражасида кўринди. Шунингдек, фольклор мотивлари ва рамзийликнинг таъсири ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шоирлар халқ эпослари ва афсоналаридан олинган образлар ва сюжетларни қайта тиклаб, уларни ҳозирги замоннинг ижтимоий, фалсафий ва экзистенциал масалаларига йўналтирдилар. Бу жараён шеърлятдаги қаҳрамон типологиясини бойитиб, миллий мифологиянинг метафоралари орқали шахснинг ички оламини ёритиш имконини берди.

2002-2012 йиллар оралиғидаги қорақалпоқ шеърлятининг композицион қурилишидаги эволюция – бу анъанавий ўлчовли қурилиш билан композицион эркинликка қаратилган бадий изланишларнинг синтези ҳисобланади. Классик анъанада шоирлар кўпинча бармоқ вазни талабларига асосланиб, қатъий қофия тизимига бўйсунган, маълум бир ритмик тартибда яратилса, эркин шеър шакли бу вазнга жуда мос келавермаганидан сўнг, икки вазн шакллари уйғунлашиб, янги композицион қурилишда намоён бўлди.

Бу даврда жанрий трансформациялар “достон” жанрида кенг кўзга ташланди. Анъанавий эпик “достон” тушунчаси фақат оғзаки адабиёт ва тарихий-эпик сюжетнинг бир қисми сифатида қаралмай, балки лирик, фалсафий ва драматургик элементларни ўз ичига олган, “поэма” жанрининг хусусиятларини ҳам ўзида мужассам этган мураккаб поэтик тузилмага айлана бошлади. Бу жараён қорақалпоқ адабиётшунослигида жанр назариясини такомиллаштиришни ва анъанавий тушунчаларни замонавий адабий-танқидий нуқтаи назардан қайта таҳлил қилишни талаб этди. Натижада анъанавий достоннинг беқиёс тарихий ва маданий аҳамияти қайта кашф этилиб, у миллий шеърлятнинг янгиланишида муҳим роль ўйнади.

Мустақилликдан кейинги 15 йилликдаги ўзбек шеърляти ҳақидаги мақоласида И.Ғафуровнинг: “Орадаги даврда жуда кўп жозибали шеърлят

шакллар (чунончи, эпиграммалар, станслар, романслар, альбом шеърлар, сиёсий лирика турлари...) йўқолиб бораётгани, миллий шеърят бу каби (Гейнени – Гейне, Пушкинни – Пушкин қилган) шакллардан фойдаланмаётгани унинг либослари хазиначиларини қашшоқлаштириб кўяди. Бу ҳозирги шеърятда жуда билиниб қолмоқда” [2:83], – деган фикри биз сўз этаётган даврдаги қорақалпоқ шеърятини учун ҳам хос ҳолат бўлди. Бу даврда масаллар, балладалар, сонетлар деярли яратилмади. Шунга қарамай, 2002–2012 йиллардаги қорақалпоқ шеърятини миллий адабиётнинг тарихий-маданий ва эстетик ривожланишида янги босқични белгилаб, анъана ва янгиликларнинг ўзаро уйғунлиги орқали шеърый жанрларнинг мазмуни ва шаклини бойитди. Бу давр миллий адабиётнинг мазмунли-эстетик аҳамиятини мустаҳкамлаб, қорақалпоқ шеърятини жанрларини адабий маконда муносиб ўринга кўтарди.

Әдебиатлар:

1. Гайлыева У. Ғарезсизлик дэуири түркий халықлар лирикасында формалық изленислер хэм олардың типологиясы (Өзбек, қарақалпақ, түркмен лирикасы мысалында). – Н.: Билим, 2018. – 216 б.
2. Ғафуров И. Кейинги ўн беш йил ичида. / Мустақиллик даври адабиёти. – Ташкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-манбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 82-84.
3. Оразымбетов Қ. Ҳэзирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы хэм типологиясы (1970-2000-жыллар). Монография. – Н.: Билим, 2004. – 188 б.
4. Пахратдинов Д.И. Юсупов лирикасында төртликлер. – Н.: ҚМУ., 2005. – 30 б.
5. Тлеуниязова Г. Ҳэзирги қарақалпақ лирикасында композициялык изленислер. – Ташкент: Lesson Press, 2022.